

## **БАДИЙ ТАРЖИМАНИНГ НАЗАРИЙ ҚАТЛАМЛАРИ**

**Кандилатхан ИУСУПОВА**

Катта ўқитувчи

Филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Ренессанс таълим университети

Тошкент, Ўзбекистон

[kandilatyusupova71@gmail.com](mailto:kandilatyusupova71@gmail.com)

### **Аннотация**

Ушбу мақолада бадий таржима жараёнида учрайдиган грамматик ва стилистик мутаносиблик ҳамда номутаносиблик, шунингдек, таржима методлари хусусида сўз юритилади.

**Таянч сўзлар:** таржима назарияси, структура ва композиция, тадқиқ этмоқ, услубий мослаштириш, нейтрал маъно.

## **ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ПЛАСТЫ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ПЕРЕВОДА**

**Кандилатхан ИУСУПОВА**

Старший преподаватель

Доктор философии (PhD) по филологическим наукам

Образовательный университет Ренессанс

Ташкент, Узбекистан

[kandilatyusupova71@gmail.com](mailto:kandilatyusupova71@gmail.com)

### **Аннотация**

В данной статье речь идет о грамматическом и стилистическом соответствии и несоответствии, встречающихся в процессе художественного перевода, а также о методах перевода.

**Ключевые слова:** теория перевода, структура и композиция, исследование, методологическая адаптация, нейтральное значение.

Бадий таржиманинг бошқа турдаги таржималар – илмий-техника китоблари, ижтимоий-сиёсий асарлар таржимасидан фарқи бадий адабиётнинг фан соҳаларидан фарқланишига ўхшайди. Бошқача айтганда, бадий таржиманинг ўзига хослиги бадий адабиётнинг фарқи унда филологик таҳлил ва лисоний-услубий қиёснинг иштирок этиши билан белгиланади. Чунончи, ёзувчи, шоир ёки драматургдан шу жанрлардаги асарларни ўз тилига таржима қилиш иши билан шуғулланувчи ижодкорнинг фарқи шундаки, у (таржимон) муаллифнинг муддаосини бошқа тилда қайта ифодалайди, унинг асарини қайта тиклайди. Бунда эса тасвирдан ташқари, қиёс ва таҳлил ҳам иштирок этади.

Услуб бадий асарнинг умумий жарангчиси ва колорити, образни таҳлил қилиш усули, санъаткорнинг воқеликка бўлган муносабати, принциpidир. Булар бадий жараённинг якунловчи босқичида шаклнинг асосий томонларини яхлит акс эттирувчи хусусият сифатида асарда зохир бўлади. Услубни муаллифнинг умумий ижодий бисотидан ажратган ҳолда, кўр-кўрона асарнинг лисоний характеристикасига айлантириб қўйиш мумкин эмас. Образ ва услуб ўзаро чамбарчас боғланган. Образ билан услубнинг бири-бирига боғлиқлиги, ўзаро тақозодорлиги ёзувчининг воқеликни бадий акс эттиришига асосланади. Услуб ёзувчи ижодининг унинг асарларида такрорланиб турадиган асосий, типик ғоявий-бадий хусусиятлари мажмуасидир.

Ҳаёт ва адабиётнинг вазифаларини бир хил тушунадиган, бир эмас, бир нечта ёзувчининг ижодига хос бўлиб, улардан ҳар бирининг ижодида такрорланадиган ғоявий-бадий хусусиятларни ҳам баъзан услуб деб атайдилар. Ижод аҳлини бирлаштирадиган бундай услубий муштараклик, яқдиллик, аслида, адабий оқимдир.

Лингвистика таърифи бўйича, услуб тилнинг дифференциал турларидан бўлиб, ўзига хос луғати, фразеологик бирикмалари, жумла ва синтактик қурилмалари, бўлак турлардан ўз ички унсурларининг, асосан, экспрессив-таърифий хусусиятлари билан тафовут қилувчи лисоний системадир [1;454].

Услубий мослаштириш ёки тақлидда муайян жанр, ижтимоий муҳит, давр ва бошқаларга хос бўлган нақл ёки нутқ услубига тақлид, ўхшатма ёхуд монандлик тарзи тушунилади. Бундан мақсад бирон нутқ мақомининг “айни ўзи” ҳақида таассурот туғдиришдир. Услуб бу “ўзига хослик” экан, ҳар бир йирик санъаткорнинг ўз услуби – ижодига хос ғоявий йўналиш, бадий-тасвирий воситалари, лексик-фразеологик унсурлар ва бадий шаклга алоқадор ўзга компонентлар мавжуд бўлиши юқорида айтилди. Бирон ёзувчи, шоир, драматургнинг услубини аниқлашда, унинг ўзига хос индивидуал ижодий биографияси, қалам тебратиш йўсинини тайинлашда қиёс муҳим воситалардан биридир.

Ҳар бир ижодкорнинг услубий ўзига хослиги тил ресурслари асосида юзага келар экан, тил ва услуб тушунчалари бир-бирига яқин, аммо улар ўртасига тенглик аломати қўйиб бўлмайди. Башарти, тил билан услуб бир нарсга бўлганида, бирон адибнинг асарини бир тилдан бошқа тилга таржима қилганда унинг фақат луғавий бисоти эквивалентларини ўтказиб, услубий хослигини бериб бўлмасди.

Услубий ранг-баранглик, шакл ва маънолар жилвакорлиги ҳар бир миллий адабиётнинг катта бойлигидир. Агар турли-туман услублар, бўёқлар бўлмаганида, ягона услубий сидирғалик, якранглик, сийқалик туғилган бўлар, бу эса фикрий тўмтоқлик, адабий қашшоқликка олиб келар эди. Шу сабабдан, ҳар бир миллий адабиётнинг чинакам бойлиги унга ижод қилаётган адибларнинг қанчалик кўплиги билан эмас, балки ўзига хос ёрқин услуб намуналарини яратган ва яратаётган ижод аҳлининг бунёдкорлик қуввати билан ўлчанади [4:76-78].

Синонимлар луғати сўзга тўлиқ синоним ёки вазиятга қараб қўлланувчи синонимларни беради, аммо ҳар икки ҳолатда ҳам абсолют синоним бўлиши мумкин эмас. Чунки тўлиқ эквивалент ҳеч қайси категорияда иштирок этолмайди. Якобсон фикрича, барча шеърӣ таржималар тўлиқ таржима эмас.

Таржима қилишда энг катта муаммо маданиятлар ўртасидаги фарқларни ажратишдир. Муайян маданиятга мансуб аҳоли бирор нарсага ўз дунёқарашидан келиб чиқиб қарайди. Бир-бирига эквивалентдек кўринадиган сўзлар аслида эквивалент бўлмасликлари мумкин. Масалан, “чўчка” сўзи ўзбек тилида маълум даражада салбий бўёққа эга. Аммо Америкада бу сўз (“pig”) нейтрал маънода қўлланилади.

Турли маданиятлар турли йўналишга эга. Масалан, ўзбек маданиятида кўпроқ боғдорчилик, деҳқончилик, чорва, маиший ҳаёт манзаралари катта ўрин тутди, Америкада эса иш, пул топиш, спорт, фойда олишга диққат-эътибор кучли. Баъзи жамиятлар техникага кўпроқ, баъзилари камроқ йўналтирилган. Бу фарқ муайян мавзу борасида гап борганда ишлатиш мумкин бўлган луғатлар сониди акс этади. Бунда ўз ўрнига қараб, гап борганда

техник ва нотехник луғатлардан фойдаланиш мумкин. Агарда манба тилдаги матн юқори техник жамиятдан олинган бўлса, бунда бошқа тилдаги нотехник жамиятга таржима қилиш қийин бўлади. Агар кимдир Африка маданиятига оид ижтимоий фан ҳақидаги китобни таржима қилаётган бўлса, бунда кўп ҳолларда унга эквивалент топиш қийин бўлади. Хужжатларни қадимги эскимос тилига қорни ҳеч қачон кўрмаган, саҳрода яшовчи араб тилидан таржима қилиш қийин. Маданиятлар турлича бўлгани боис, кўпинча эквивалент топиш мушкул. Маданият сўзларнинг ишлатишида акс этади. Масалан, Америкада “қўй” сўзини – ўйламасдан иш қиладиган, камгап, босиқ инсонларга нисбатан ишлатишади. Ўзбекистонда “пахта” сўзи кўп қўлланади, аммо Буюк Британияда пахта ўстирилмагани боис қўлланилмайди [3;59-60].

Таржима фан сифатида ўзининг таҳлил методларига эга. Бугунги кунда Л.С.Бархударов фикрига кўра [2] таржимашунослик ўзининг қуйидаги таҳлил методларига эга:

1. Қиёсий метод (чунки исталган ҳолатда икки тилни қиёслаш асосида таржима амалга оширилади).

2. Компонентларга ажратиш методи (семаларга ажратиб таҳлил қилиш методи).

3. Трансформацион метод (тилда илк тил воситалари, азалий типларни аниқлаб, улардан келиб чиққан тил воситаларини ўрганиб, таҳлил қилувчи метод (лексик, грамматик трансформациялар).

4. Статистик метод.

5. Оппозиция методи (қарама-қарши қўйиб таҳлил қилиш методи).

Ушбу методлардан ташқари таржимани амалга ошириш усуллари ҳам мавжуд, булар таржимашуносликнинг ўзига хос иш кўриш усуллари.

1. Маълумотларни қисқа ва лўнда қилиб ёзиб олиш ва уларга таяниб ишни таржима қилиш.

2. Таржимада асл нусха материалларини маънодор бўлакларга ажратиб ўгириш (таржима қилиш).

3. Матнни лексик, грамматик трансформациялар орқали таржима қилиш.

- а) оғзаки трансформациялар орқали таржима қилиш;
  - б) ёзма трансформациялар орқали таржима қилиш;
  - в) оғзаки-ёзма трансформациялар орқали таржима қилиш;
  - г) ёзма-оғзаки трансформациялар орқали таржима қилиш.
4. Антонимик воситалар орқали таржима қилиш.
5. Синонимик воситалар орқали таржима қилиш.
6. Таржимавий транскрипция орқали таржима қилиш.
7. Таржимавий транслитерация орқали таржима қилиш.
8. Калка орқали таржима қилиш.
9. Компенсация орқали таржима қилиш.
10. Умумлаштириш орқали таржима қилиш.
11. Конкретлаштириш орқали таржима қилиш.
12. Нутқни ихчамлаштириш орқали таржима қилиш.

И.Ғофуров, О.Мўминовнинг “Таржима назарияси” китобида келтирилишича [5;108], лексик трансформацияларнинг беш тури мавжуд бўлиб, улар: конкретлаштириш, умумийлаштириш, тушириб қолдириш, икки ҳодиса ўртасидаги мантикий ҳодисага асосланган тарнсформациявий таржима. Шу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур китобда антономик таржима лексик трансформация бўлиш билан бирга грамматик трансформация бўлиши мумкин. Икки тилдаги гап тузилиши ва маъносидаги фарқлар бўлишига қарамай, таржимон эквивалентликка эришиш мақсадида турли хил лингвистик трансформациялардан фойдаланиши керак. Таржимон турли сўзма-сўз, ғализ бирикмалардан қочиш, унинг адабий ҳамма тушунадиган, ёрқин сўзларни таржима қилиш учун қуйидаги лексик трансформациялардан фойдаланади. Зоя Прошинанинг фикрига кўра эса лексик трансформация қуйидаги турларга бўлинади:

- 1. Лексик алмаштириш (lexical substitution).
- 2. Қўшиш (supplementation).

### 3. Тушириб қолдириш (omission).

Грамматик трансформациялар турли хил грамматик ва лексик кўринишларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Баъзи ҳолларда улар бири-бирига жуда яқин боғлиқ ва лексик-грамматик характерга эга бўлади. Таржима қилишда грамматик трансформациялардан кенг фойдаланишнинг сабаби, рус ёки инглиз тилининг грамматик тузилиши билан мос келмаслигида деб изоҳланади: гапда сўз тартиби гапларнинг жойлашув тартибидаги фарқ бош гап ва эргаш гап тартибидаги фарқдир.

Таржимада бирор-бир сўз туркуми бошқа бир сўз туркуми билан ўзгартирилиши мумкин. Бу тўлиқ ёки қисман трансформацияларга боғлиқдир. Таржима қилишда сифат, от, феъл ва равиш билан алмашиши мумкин. Америка ҳаётидан: White schools – schools for white – оқ танлилар учун мактаблар; white churches – churches for white. Таржима қилишда кўп ҳолларда сифатлар равишлар билан алмаштирилади. Бу грамматик трансформациянинг бадиий асар ва публицистика (ижтимоий-сиёсий масалаларга оид адабиёт) да эпитет (сифатлаш) ҳодисасининг мавжудлигига боғлиқдир. Мисол учун: Lord Nesby stretched a careless hand. – Лорд Несби небрежно протянул руку. – Лорд Несби истар-истамай қўлини чўзди. Баъзан инглиз тилидаги равиш сўз туркумининг бошқа ўзгариши содир бўлади. Мисол учун: The accusation has been disproved editorially. - Айбдорлик газета мақоласида оқланди.

Дастлаб маълум бирикмани таржима қилиб олиб, сўнгра нутқнинг шаклини қўшимча (келишик)ларга мослаб янги бир бирикма яратиш таржиманинг аниқ вазифаларидан биридир. Сўзларнинг бирикиш қоидаси турли хил тилларда турличадир. Бунга ҳар бир тил дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқасини турли хил усулларда тасвирлайди деб изоҳ берилади. Шунинг учун турғун (эркин) бирикмаларни таржима қилиш мушкул бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, бир тилда яратилган асарни иккинчи бир тилда таржима қилиш жараёнида турли қийинчиликлар ва номутаносибликларга дуч

келинганди, улар таржимоннинг сўз бойлиги, билим ва маҳорати орқали бартараф этилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ахманова.О.С. Словарь лингвистических терминов. – Москва, 1966.
2. Бархударов Л.С. Что нужно знать переводчику? Тетради переводчики. – Москва, 1978.
3. Виноградов В.С. Перевод: Общие и лексические вопросы: Учебные пособие. – Москва: Книжный дом «Университет», 2006.
4. Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1983.
5. Ғофуров И., Мўминов О., Қамбаров Н. Таржима назарияси. – Тошкент: Тафаккур бўстони, 2012.